



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 28.01.2022 г. № 01/11-2022

между "Сирдарё сув таминоти" МЧЖ Шириш филиали и Шириш шаҳар Тиббиёт бирлашмаси на общую сумму 6037200,00

Глава \_\_\_\_\_ 054  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 401322860244107073101054002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4224000			
Январь	2 012 400,00			2 012 400,00
Февраль	2 012 400,00			2 012 400,00
Март	2 012 400,00			2 012 400,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>6 037 200,00</b>			<b>6 037 200,00</b>

Всего 6037200,00 сум

Шесть миллионов тридцать семь тысяч двести сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_% \*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Рахманов Бахтиёр Холмуратович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Кодиркулов Икромжон Юлдошович

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.



## ШАРТНОМА № 01/11-2022

Ширин шаҳри

28 Январ 2022 йил

“Сирдарё сув таъминот” МЧЖ Ширин шаҳар бўлими помидан раҳбар Н.Қурбопов кийинги уринда мазкур “Низом” бўйича “Таъминотчи” деб аталади, иккинчи томондан Ширин шаҳар Тиббиёт бирлашмаси кейинги ўринда “Низом” бўйича “Истеъмолчи” чи деб номланувчи помидан раҳбар Б.Раҳманов ушбу шартномани туздик.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. Таъминотчи икки томонлама келишилган шартномага асосланиб (ташкilotлар, ишлаб-чиқариш, хўжалик ҳиссобидаги корхоналар, хусусий тадбиркорлар, маиший хизмат кўрсатувчи шахобчалар ва бошқа турдаги улгуржи истеъмолчилар) ўз ишлаб чиқариш техник имкониятидан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчига 2022\_йил учун чегаралаб берган (лимит) 2064 м<sup>3</sup> ичимлик сувини етказиб беради, оқова сув тармоғидан фойдаланувчи жойларда ичимлик сувининг миқдорига тенглаштирилган ҳолда 2022\_йил учун чегаралаб берилган (лимит) 2070 м<sup>3</sup> оқова сувини қабул қилади, марказий иссиқ суви таъминотига эга булган жойларда иссиқ сув ҳиссобидаги булмаса, меъерий ҳужжатлар 3-тупламининг 4.9 бандига асосланиб 1.3 каэффицент билан оқова сувига қушиб ҳиссобидаги булмаса, меъерий Сирдарё вилояти Кенташи томонидан тасдиқлаб берилган 1м<sup>3</sup> ичимлик сувининг таннарни (ҚҚС қушилиб) 2925 сўм, м<sup>3</sup> оқова сувининг тан нархи 1430 сўм

1.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”ни О’зДСт 950: 2011 “Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати” амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради. Агарда “Истеъмолчи”чи чегаралаб берилган ичимлик ва оқова сувларини ортиқча сарф қилганда кўрсатилган нархларнинг бир ярим баробар миқдорига ҳиссобидаги булмаса, меъерий килинади, нархлар ўзгарганда ёзма равишда хатлар, газета ва ойнаи жаҳон орқали эълон қилинади, эълон қилинган кундан бошлаб кучга қиради ва янги таннари билан ҳиссобидаги булмаса, меъерий килинади. “Истеъмолчи”чи янги тан нархлар ўзгарган кундан бошлаб қушимча чегарали суммалари олишлари шарт булади.

1.3. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” бутун дебиторлик қарздорлиги ёпилиши ва “Таъминотчи” билан чиқиб кетишдан камидан 30 кун олдин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур. “Истеъмолчи” чиқиб кетганидан сўнг, тамғалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутлиги объектнинг янги эгаси зиммасига юклатилади.

1.4. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

1.5. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан куйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

булда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи каэффицентиги;  
F – суяқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м<sup>2</sup>;  
g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;  
H – сувнинг метрлардаги босими;  
t – вақт- 24 соат, секундларда;

#### Куйдаги ҳолатларда:

1.5.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

1.5.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

1.5.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

1.5.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 1 қисмининг

1.5. бандига кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;

1.6. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармони сув-коммунал хўжалиги ташкilotи томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг сечиш, қисқаландан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 20.08.2019 йилдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

1.7. Ўт ўчириш жумраклари ва гидрантлар “Таъминотчи”нинг ишончли вакиллари томонидан тамғаланади ва бу ҳақда икки томонлама далолатномалар тузади ва ундан рухсатсиз фойдаланиш тақиқланади.

1.8. “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи”лар томонидан тайинланган вакилларсиз сув ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш, техник рухсатномалар олиш, ичимлик сувини узлари ишлаб чиқаришга эга булган корхоналар томонидан “Таъминотчи”нинг рухсатсиз оқова суви тармоғига уланиб олиш ёки чиқариш ташлаш тақиқланади, манна шундай ҳолатлар аниқланганда далолатномалар тузилиб жаримага тортиладилар.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. “Истеъмолчи” ичимлик ва оқова сув қувурларидан фойдаланиш қондасига ва техник ҳафсизлигига риоя қилиш, ичимлик сувларини исроф булишини олдини олиш, тамғаларни бузиш, ичимлик ва оқова сув қувурлари жойлашган жойларини назорат қилиш учун “Таъминотчи”нинг вакиллари қаршиликсиз киритиш шарт.

2.2. “Истеъмолчи” сув ҳисоблаш ускунасини (СХУ) уз ҳисобидан олиш ва урнатиш мажбуриятини олади ҳамда ичимлик ва оқова сув қувурлари ускуналарига жавобгар шахс (М.Атабоев) ни ишончли вакил этиб тайинлайди.

2.3. “Истеъмолчи” истеъмол қилинган ичимлик ва оқова суви ҳаққини “Таъминотчи” томонидан берилган ҳисоб-тулов варақаси ва солиштирма далолатномалри бўйича келгуси ойнинг 10 санасигача тулаб бериш мажбуриятини олади, тулов уз вақтида амалга ошмаган ҳар бир кун учун 0,4 % миқдорда жарима тулайди.

а) “Истеъмолчи” шартномада келишилган миқдордан ортиқча ичимлик сувини истеъмол қилганда, ўз бошимчалик билан ичимлик ва оқова сув тармоқларига уланганда, ёки олдиндан 100% пул маблағини олдиндан туламаганда ёки муддати утган дебитор қарздорликлари мавжуд булган ҳолда ичимлик ва оқова сув таъминотидан тухтатилади.

2.5. Ичимлик сув ва оқова суви қувурлари ҳужалигини қайта қуриш ва уланиш “Таъминотчи” томонидан тасдиқланган техник шароитлари асосида бажарилади.



инотчи” “Истеъмолчи”га ичимлик суви билан таъминлаш ва окова сувларини қабул қилиб олишда чегаралаб берилган ичимлик дорини тулик етказдириб бермаганлиги аниқланса, кейинги ойлار чорақлар ва йилнинг охиригача етказдириб бериш лиятини олади.

“Истеъмолчи” ичимлик суви ва окова сувларининг асосий тармоқларидаги шикастланишларни киска вақт ичида бартараф этиш урйятини олади.

“Истеъмолчи” ичимлик ва окова сув хажми тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар ойнинг 25 санасигача ўзининг ишончли вакиллари орқали “Истеъмолчи”га тақдим этиш, манзили ёки ҳисоб рақами узгарганда ёзма равишда “Таъминотчи”га хабар бериш шарт.

9. Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш окова сувларини “Истеъмолчи” ар томопидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқариш окова сувларини қабул қилиш қоидалари” ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун “Истеъмолчи”ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент микдор тартибида ҳисобланади.

2.9.1. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида “Истеъмолчи” ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирознома “Истеъмолчи”ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммаси тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ:

3.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг ўз вақтида хизмат туловини амалга оширмаганлиги учун сув тармоғидан узиш ёки қисқариши натижасида мулкий жавобгарлик мажбуриятини олмайди.

3.2. “Истеъмолчи” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги 5241-сонли “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасидаги тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға Фармонига асосан ичимлик сув учун олдиндан 100% тўловни амалга оширади.

3.3. Агар “Истеъмолчи” хизмат туловини уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кунга учун 0,4 % микдорида устама пеня тулайди ва бу устама пеня суммаси асосий қарздорлик суммасининг 50 % дан ошмаслиги лозим.

3.4. Ушбу шартнома талаблари оқибатида томонлар бир-бирига етказдирилган моддий ва маънавий зарарлар “Таъминотчи” ёки “Истеъмолчи” томопидан далолатномалар тузилган ҳолда қопланади.

### IV. ФОРС-МОЖОР:

4.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевоқиф таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

4.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

4.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР:

5.1. Ушбу шартнома асосида томонлар уртасида ичимлик суви билан таъминлаш ва окова сувларини қабул қилиб олиш шартномавий муддатини узайтиришда ёзма равишда хатлар орқали ёзма хабар беришлари шарт.

5.2. Шартноманинг амал қилиш муддати « 28 » январь 2022 йилдан « 31 » декабрь 2022 й.гача.

5.3. Шартномаға узгартириш киритиш ёки уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида амалга оширилади.

5.4. Томонлар уртасида ечилмай қолган шартлар жавобгар жойлашган ҳуқуқий органлар орқали хал қилинади.

5.5. Шартнома 2 нусхада тузилган, икала нусхаси бир хил ҳуқуқий кучға эға.

Ичимлик суви учун йиллик чегарали сумма: 6037200 сум

Окова суви учун йиллик чегарали сумма: \_\_\_\_\_ сум

Жами сумма: 6037200 сум ( олти миллион уттиз етти миң икки юз сум ) Сум шу жумладан бюджет ҳисобидан \_\_\_\_\_ сум

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

“Таъминотчи”

“Сирдарё сув таъминот” МЧЖ Ширин шаҳар бўлими

Ширин ш. Буёқ Турон кучаси

Тел: 67-764-38-34

Х/р: 22638000700134816416

Ипотека банк Гулистон ш.

МФО: 00364, ИШН 200323842

ОКОНХ:

Раҳбар: Н. Курбонов



Мен ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йилдан Адлия бошқармаси томопидан ҳуқуқшунослик қилиш учун аттестациядан утганман ва менга № \_\_\_\_\_ рақамли ҳуқуқшунослик гувоҳномаси берилган. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг барча қопун талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилган ва икки томоннинг ҳуқуқ ва маънавий зарарларни ҳимоялашганини тасдиқлайман.

“Истеъмолчи”

Ташкилот номи Ширин ШТБ

Манзил: Ибн Сино 1

Тел/ факс 677645843 х/р: 401322860244107073101054002

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи201169280

ОКОНХ 91511

Г/азначилик бўлинмаси номи Ширин

Газна х/р: 2340200300100001010

Банк номи Марказий ХККМ МФО 00014

Газначилик бўлинмаси СТИР 201122919

Раҳбар: Б.Раҳманов





## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: SHartnoma

UT86440571

2. Loyihaning nomi: 3 – ilova Tarif (QQS va Maxsus ustama haq bilan)  
Suv 1 m3 \_2925\_so'm Oqova 1 m3 \_1430\_so'm SHARTNOMA № 01/11-2022

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:  
Sharthoma loyihasi Shirin shahar tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab  
chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun  
2022 yil 28 yanvar kiritilgan.

**XULOSA:** Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va  
uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsul'ti



U.Toshmurotov

2022 yil 28 yanvar



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SIRDARYO SUV TA'MINOTI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SIRDARYO SUV TA'MINOTI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

31.12.2015

Q-301

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

200323842

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 1-mavze, Firdavsiy ko'chasi, 70-uy

Guvohnoma:

Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





**Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши Аграр, сув  
хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси**

**Қ А Р О Р И**

“ 27 ” август 2020 йил

№4/2

Гулистон шаҳри

**“Худудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш бўйича”  
2019-2020 йилнинг 9 оyi давомида амалга оширилган ишлар юзасидан” ахбороти  
эшитиш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил  
19 августдаги 01-22/1324-сонли хати “Халқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар  
Кенгашларининг намунавий регламенти тўғрисидаги” Низомнинг  
6-бандига мувофиқ Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги Аграр сув  
хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари кун тартибидаги  
масалани муҳокама этиб,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Худудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш бўйича” 2019-  
2020 йилнинг 9 оyi давомида амалга оширилган ишлар юзасидан” Ю.Жалолов ахбороти  
маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун  
тартибига қуйидагилар тасдиқлаш учун киритилсин:

- Сирдарё вилоятида ичимлик суви ва канализация хизмати учун белгиланган  
тарифлар тасдиқлансин.

- Вилоятдаги барча корхона ва ташкилотлар вилоят маҳаллалари кесимида аҳоли  
орасида ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали ичимлик суви ва канализация хизмати  
учун белгиланган тарифлар бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш вазифаси  
юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят  
Кенгаши ҳузуридаги Аграр, сув  
хўжалиги ва экология масалалари  
бўйича доимий комиссияси раиси

О.Бегиев



**Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши Аграр сув  
хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси**

“ 27 ” август 2020 йил

№4/2

Гулистон шахри

**Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши Аграр, сув хўжалиги ва  
экология масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилиш  
баённомаси**

**Йиғилишда иштирок этганлар – 7 нафар:** доимий комиссия аъзолари

**Раислик этувчи: О. Бегиев**

**Баённома юритувчи: А. Икрамов**

**Кун тартиби:**

1. “Худудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш бўйича” 2019 йил ҳамда 2020 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан” ахборотини эшитиш тўғрисида.

*(Ахборот бёрувчи - “Сувтаъминот” МЧЖ рахбари Ю. Жалолов)*

2. “Сирдарё вилоятида 2021-2023 йилларга мўлжалланган ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини комплекс ривожлантириш дастури” юзасидан белгиланган устувор вазифалар тўғрисида.

*(Ахборот берувчи-“Сувтаъминот” МЧЖ рахбари Ю. Жалолов)*

**Эшитилди:**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан, “Худудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш бўйича” 2019 йил ҳамда 2020 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан Ю.Жалолов ахбороти эшитилди.

Сирдарё вилоятида марказлаштирилган сув таъминоти асосан “Зомин” ва “Бешбулок” ер ости сув манбаларидан ҳамда туман ва шаҳар худудларидаги алоҳида турган тик қудуқлардан фойдаланилади.

Сирдарё вилоятида бугунги кунда **789,8 минг** аҳоли бўлиб, шундан **615,7 минг ёки 78,0 %** аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланган, қолган **22,0 %** аҳолиси муқобил ичимлик сув манбаларидан фойдаланади.

Ичимлик сув иншоотларининг умумий қуввати суткасига **550,1 минг** метр кубни ташкил этиб, амалда суткасига **135,1 минг** метр куб қувват (**24.6%**) билан ишламоқда, ичимлик сув қувурлари ва тармоқларининг умумий узунлиги жами **2968,4 км** ташкил этиб, шундан **1054,3 км (35,5%)** таъмирталаб, **718 та**



ичимлик сув кудуқларидан **228 таси (31,8%)** носоз, мавжуд **365 та** сув минораларидан **175 таси (48 %)** носоз холда.

Вилоятнинг **3 та** шаҳар (Гулистон, Янгиер, Ширин) ва **2 та** туманларида (Оқолтин ва Ховос) оқова сув тизимлари мавжуд. Аҳолининг канализация хизматлари билан таъминланганлик даражаси **12,4% ни** ташкил этади.

Оқова сув тозалаш иншоотларининг лойихавий қуввати суткасига **70** минг метр кубни ташкил этади. Оқова сув коллекторлари ва тармоқларининг узунлиги **236,0 км**, шундан **45,5 %** таъмирталаб.

2017 йилда **6 778,1 млн.сўм** маблағ эвазига **31,7 км** масофада ичимлик сув тармоқлари ётқизилиб, ичимлик суви билан таъминланиш даражаси **63,9 %** кўрсаткичдан **66,7 %** га ўсишига эришилган. 2018 йилда жами Республика бюджети ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун **73,1 млрд.сўм** маблағ ажратилган ва **267,2 км** масофада ичимлик сув тармоқлари тортилди. Таъминланиш даражаси эса мос равишда **66,7 %** дан **72,5 %** га ўсишига эришилди. 2019 йил давомида умумий **75,9 млрд.сўм** маблағлар молиялаштирилиб, **Ичимлик сув таъминоти бўйича** жами **352,14 км** ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга Сирдарё вилояти аҳолисининг ичимлик сув таъминоти билан таъминланганлик даражаси **72,5%** дан **78,0%** га ошишига эришилди. **Оқова сув таъминоти бўйича** жами **15,4 км** оқова сув тармоқлари тортиш ишлари бажарилди.

- 2020 йилда режалаштирилган ишларни амалга ошириш орқали **27,7 минг** нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, **26,9 минг** нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланса, **2,4 минг** нафар аҳоли янгидан оқова суви билан таъминланиб, **27,2 минг** нафар аҳолининг оқова сув таъминоти яхшиланишига эришилади.

- Сирдарё вилоятининг **ичимлик сув** таъминланиш даражасини **78,0%** дан **82,1%** гача ошишига эришилади. **(+4,1%)**

- Сирдарё вилоятининг **оқова сув** таъминланиш даражасини **38,4%** дан **54,9%** гача ошишига эришилади. **(+16,5%)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 17 июль куни ҳудудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ушбу видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган топшириқлар ижроси юзасидан Сирдарё “Сувтаъминоти” МЧЖ томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан,

Истеъмолчиларни қамраб олиш бўйича ҳокимликлар, жойлардаги маҳалла идоралари билан ҳамкорликда барча истеъмолчиларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда. Хатлов натижасида, 2020 йил июл ойида 1,6 мингта, август ойида 2,4 мингта истеъмолчилар қамраб олиниб, аҳоли истеъмолчилари сони 535 минг нафарга етказилди.

Ичимлик сувининг беҳуда исроф бўлишининг олдини олиш мақсадида, кўча колонкасидан фойдаланувчи истеъмолчиларни хонадонгача олиб кириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари билан бир қаторда бевосита амалий ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан 2020 йил июл ойида жами 3,6 минг нафар, август ойининг шу кунига қадар 2,6 минг нафар кўча колонкасидан



фойдаланувчи истеъмолчилар хонадонигача ичимлик суви тармоғи олиб кирилиб, замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Амалга оширилган хатлов ва бошқа чора-тадбирлар натижасида истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар кўламининг кенгайишига эришилди. Хусусан 2020 йил июл ойида 200 млн. сўм, август ойида 300,0 млн сўмлик кўпроқ ичимлик суви етказиб беришга эришилди.

Аҳолига етказиб берилаётган ичимлик суви ва канализация хизмати сифатини янада яхшилаш мақсадида жамият томонидан 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идораларга тақдим этилди.

Ўтган йилларда амалга оширилган лойиҳалар натижасида вилоятимиз аҳолиси ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида ҳам бир канча ишлар амалга оширилди. Хусусан;

2017 йилда 6 778,1 млн.сўм маблағ эвазига 31,7 км масофада ичимлик сув тармоқлари ётқизирилиб, ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 63,9 % кўрсаткичдан 66,7 % га ўсишига эришилган. 2018 йилда жами Республика бюджети ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун 73,1 млрд.сўм маблағ ажратилган ва 267,2 км масофада ичимлик сув тармоқлари тортилди. Таъминланиш даражаси эса мос равишда 66,7 % дан 72,5 % га ўсишига эришилди. 2019 йил давомида умумий 75,9 млрд.сўм маблағлар молиялаштирилиб, Ичимлик сув таъминоти бўйича жами 352,14 км ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга Сирдарё вилояти аҳолисининг ичимлик сув таъминоти билан таъминланганлик даражаси 72,5% дан 78,0% га ошишига эришилди. Оқова сув таъминоти бўйича жами 15,4 км оқова сув тармоқлари тортиш ишлари бажарилди.

- 2020 йилда режалаштирилган ишларни амалга ошириш орқали 27,7 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, 26,9 минг нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланса, 2,4 минг нафар аҳоли янгидан оқова суви билан таъминланиб, 27,2 минг нафар аҳолининг оқова сув таъминоти яхшиланишига эришилади.

- Сирдарё вилоятининг ичимлик сув таъминланиш даражасини 78,0% дан 82,1% гача ошишига эришилади. (+4,1%)

Сирдарё вилоятининг оқова сув таъминланиш даражасини 38,4% дан 54,9% гача ошишига эришилади. (+16,5%)

Эришилаётган ютуқлар билан биргаликда жамиятимиз олдида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан,

2020 йил 1 август ҳолатига сирдарё “Сувтаъминоти” МЧЖнинг жами кредитор қарздорлиги 44 млрд сўмдан ортиқ бўлиб, ушбу қарздорликнинг 37,0 млрд сўмдан ортиғи электр энергияси ҳиссасига тўғри келади.

Кредитор қарздорликни камайтириш мақсадида 2020 йилнинг ўтган 8 ойи давомида жамиятимизнинг ўз имкониятлари ҳисобидан 100 дан ортиқ электр ҳисоблагичлар, 120 дан ортиқ замонавий энерготехнамакор насослар ўрнатилди. Йил якунига қадар электр энергияси сарфини максимал даражада қисқартиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан бирга кредитор қарздорликни янада камайтириш, лойиҳаларни амалга ошириш, келгусида тулови кутилаётган хорижий кредитларни босқичма-босқич қайтариш, тармоқлар ва иншоотлардаги носозликларни вақтида бартараф этиш,

шунингдек, келгуси йилдан бошлаб барча лойиҳаларда ичимлик сувини хонадонларгача улаш зарурлигини инобатга олиб Сирдарё “Сувтаъминоти” МЧЖнинг ҳозирги кунда амалда бўлган таърифини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сирдарё “Сувтаъминоти” маъсулияти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифларни) декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сонли қарорига асосан жамиятнинг таклифи ҳамда 2019 йил 1 августдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 04/15-03-32/2415-сонли хатига асосан, Табиий монополия субъектлари Давлат реестрига СИ-08-2019 рақам билан вилоятимизда ичимлик суви ва канализация хизмати учун сув таърифи белгиланган.

### Шу жумладан ҳозирги кунда таърифга асосан

Истеъмолчи тури	Ичимлик суви учун	Оқова суви учун
Аҳоли ичимлик суви (1 метр куб)	530 сўм	380 сўм
Бюджет ва улгуржи истеъмолчилар учун (1 метр куб)	1050 сўм	930 сўм

Ҳозирги кунда жамиятнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш, туман ва шаҳар филиалларини молиявий кўрсаткичларини яхшилаш, ҳамда уларни даромадга чиқариш, ишчи-хизматчилар ойлик иш ҳақини ошириш, аҳоли ва юридик ташкилотларга кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш, сифатли бажариш, шунингдек ишлаб чиқарилаётган ичимлик сув ва канализация хизматлари учун қилинаётган сарф-харажатларини тўлиқ қоплаш мақсадида жамиятнинг амалдаги таъриф нархини куйидаги миқдорга оширишга рухсат беришингизни сўраймиз.

### Янги таклифга кўра

Истеъмолчи тури	Ичимлик суви учун	Оқова суви учун
Аҳоли ичимлик суви (1 метр куб)	1250 сўм	530 сўм
Бюджет ва улгуржи истеъмолчилар учун (1 метр куб)	2500 сўм	1200 сўм

Раислик этувчи:



О. Бегиев

Баённома юритувчи:



А. Икратов



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТЛАРИ ТАРИФЛАРИГА МАХСУС УСТАМА  
ҲАҚ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2900-сонли ва 2018 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4040-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 6, 14-моддалари ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб, қарор қиламан:

1. Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбаларидан бири сифатида ичимлик сув хизматлари тарифларига 50 сўм/м<sup>3</sup> ва канализация хизматлари тарифларига 50 сўм/м<sup>3</sup> миқдорига устама ҳақ белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ичимлик сув таъминоти хизматлари тарифларига белгиланган махсус устама ҳақ суммаси мақсадли тушум ҳисобланади, барча солиқ турларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмайди, шунингдек, сув таъминоти ташкилотларининг молиявий нагизалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди.

3. Вилоят молия бош бошқармаси (А. Рахимов), Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси (З. Маматқаримов), туман ва шаҳар ҳокимликларига жойларда ичимлик сув таъминоти ва канализация хизматлари тарифларига белгиланган махсус устама ҳақ миқдорига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширсин.

4. Туман, шаҳар ҳокимликлари вилоят «Сувоқова» Давлат унитар корхонаси ва унинг шаҳар-туман филиаллари билан биргаликда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда бошқа қулай, самарали усулларда юридик шахслар, жумладан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига ичимлик сув таъминоти ва канализация хизматлари тарифлари учун устама ҳақларини тартибини белгиланган тартибда етказиш вазифаси юклатилсин.

5. Сирдарё вилоят ҳокимининг 2018 йил 14 февралдаги «Ичимлик сув таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ белгилаш тўғрисида»ги 100-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Қарор «Сирдарё ҳақиқати» газетасида чоп этилсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Вилоят ҳокимлиги девонхона мудирини (Ғ. Содиков) мазкур қарор қонуний кучга кирган кундан туман, шаҳар ҳокимликларига, тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаларига юборилишини таъминласин.

9. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ж. Ибраҳимов зиммасига юклатилсин.

**Ҳоким Ғ. МИРЗАЕВ**

Гулистон ш.,  
1 мая 2019 г.,  
№ 70

*(Қонуни ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2019 й., 11/19/70/3091-сон)*